

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ**Рустамов Илхомиддин Абдуқодирович**

ТАТУ Фарғона филиали доценти, фалсафа фанлари бўйича PhD

Аннотация

Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Олий таълим олиш имкониятларининг кенгайиши ва ижтимоий тараққиёт ўртасидаги боғлиқлик масалалари кўпгина тадқиқотларнинг мавзусига айланмоқда. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳам олий таълимга оид муаммоларни тадқиқ этиш ишларини кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, олий таълим, таҳлил, тадқиқот, квота.

Олий таълим тизими глобал ривожланишнинг энг муҳим субъекти бўлиб, қатор ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни бажариб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида ёзади: “Таълим соҳасининг яна бир асосий вазифаси бугунги кун учун зарур бўлган янги авлодни, илм-фан ва ўз ихтисослиги асослари пухта эгаллаган, билимли ёшарни тарбиялашдан иборатлиги шубҳасиз.”[1]

Олий таълим авлодлар ўртасидаги ворисийликни таъминловчи муҳим кўприк. Минг йиллар давомида яратилган фан ва техника ҳамда ижтимоий-гуманитар соҳадаги инсоният қўлга киритган ютуқларнинг аксарияти айнан университетлар аудитория ва кутубхоналарида келажак авлод ихтиёрига топширилади. Ворисийлик ҳозирги пандемия шароитида ғоят муҳим масала бўлиб у ҳар доим ҳам жамиятни тўғри йўлга, яъни оламни англашнинг рационал тафаккур йўлига бошлайди, турли хил конспереологик назарияларни пучга чиқариб бораверади. Шу билан бирга олий таълим тизими иқтисодий ривожланиш драйвери ҳам бўлиб жаҳон миқёсида олий таълим хизматларининг ҳажми кундан кунга ошиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам олий таълим муассасалари сонининг кенгайиши ва олий таълим хизматлари сонининг ошиши иқтисодий ривожланишга маълум бир ҳисса қўшмоқда.

Олий таълим тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар шаклланганига қарамасдан уни қуйидагича таърифлаш мумкин. Олий таълим – маълум бир йўналишга мужассамлаштирилган билимлар ва амалий кўникмалар йиғиндиси. Олий маълумотли шахс эса фан, техника ва маданиятнинг илғор ютуқларидан фойдаланган ҳолда ва вазифага ижодий ёндашувдан келиб чиқиб маълум бир йўналишдаги муаммоларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлади.

Ҳозирги кунда олий таълим икки тармоққа бўлиш мумкин. Биринчидан, гуманитар олий таълим. Иккинчидан, профессионал (касбий) олий таълим. Дастлаб, гуманитар олий таълим йўналишларига фалсафа, социология, педагогика тарих каби фанлар

киритилган. Ҳозирги кунга келиб эса иқтисодчи, менежер, журналист ва ҳуқуқшуносларни ҳам ижтимоий гуманитарийлар деб аталмоқда. Ўзбекистонда ҳам профессионал таълимнинг кенг тармоғи ривожланган бўлиб деярли иқтисодиётнинг барча йўналишлари бўйича бакавр ва магистрлар тайёрланади. Ҳозирги кунда профессионал таълим ва олий профессионал таълимни интергарция қилиш бўйича чоралар бошланган бўлиб тегишли йўналишдаги техникумларни битирган ўқувчиларни олий таълимда ўқишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда профессионал таълим соҳасидаги ислохотлар давом этмоқда. Янги ташкил этилган коллеж, касб-хунар мактаб ва техникумларнинг фаолиятини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

Олий таълим муассасалари юридик мақомга эга. Республикамизда олий таълим муассасаларининг қуйидаги кўринишлари бор:

университет — олий таълим дастурини бажаришда талабаларга эгаллаётган соҳаси бўйича ёки кейинчалик ўқишларини давом эттиришлари учун кенг қамровли билим беришга эътибор қаратилади;

академия — олий таълим дастурини бажаришда олий таълим бериш билан бир қаторда кейинчалик ўқишларини давом эттиришлари учун аниқ бир йўналишга тайёрлайди;

институт — барча олий таълим муассасалари каби олий таълим дастурини бажаради, билим беришда бир йўналишга қаратилган билим берилади.[2]

Бундан ташқари Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби ҳам мавжуд бўлиб, у ерда тизимли таҳлил ва истиқболни белгилаш, Бизнесни бошқариш ва Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланади. Демак олий мактабни ҳам олий таълим муассасалари шакли сифатида эътироф этиш мумкин. Ўзбекистонда олий таълимнинг асосий шакли университетлар бўлиб уларда бир неча олий таълим учун йўналишда беради, яъни турли соҳалардаги кенг профилли мутахассислар тайёрлайди. Бундан ташқари белгиланган соҳалардаги мутахассисларнинг малакасини оширади ва қайта тайёрлайди. Мисол учун вилоятлардаги айрим университетлар қошидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказларида олий таълим муассасаларининг профессор ўқитувчилари махсус тайёргарликда ўтади.

Ўзбекистонда Университет 3.0 дастури амалга оширилаётган бўлиб университетда олий таълим бериш билан бирга фаннинг барча соҳаларида фундаментал ва амалий илмий изланишлар ташкил этилади.

Академияларда нисбатан тор соҳадаги олий таълим берилади. Мисол учун Куролли кучлар академияси ёки Ички ишлар академияларида профилли вазирлик имкёсидаги мутахассисларни тайёрланади. Академияларда ҳам юқоридаги каби малака ошириш марказлари бўлиди ва илмий соҳадаги тадқиқотларни олиб бориши кўзда тутилди.

Институтлар эса олий таълим ва фаннинг маълум бир меъёрида амалга оширишига ихтисолашган бўлади. Шу билан биргаликда улар ҳам барча олий таълим муассасаларидаги каби методик марказ ва илмий муассаса функцияларини ҳам бажариши мумкин.

Юқорида алоҳида қайд этилган олий мактаблар эса асосан магистратура мутахассисликларини тайёрлайди ва илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиши мумкин. Бундан ташқари мавжуд талабдан келиб чиқиб қисқа муддатли ўқув курслари ҳам ташкил этиши мумкин

Олий таълим муассасасининг давлат таълим стандартини мутахассислик йўналишлари бўйича бажарилишини, кадрлар тайёрлаш сифати давлат томонидан тайинланган орган олий таълим бошқармаси томонидан назорат қилинади. Педагогик кадрлар ва ўқув муассасаларини аттестациядан ўтказиш, кадрлар тайёргарлиги сифатини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз” деб номланган нутқида қуйидагиларни таъкидлади: “Мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 62 фоиздан камида 80 фоизга, олий таълим тизимида эса 50 фоизга етказиш, мактабларда таълим-тарбия сифати ва даражасини оширишга бирламчи вазифа деб қараймиз.”[3]

Маълумки 1991-2006 йиллара Ўзбекистонда қатор университетлар ташкил этилгани ва қатор хорижий олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилганига қарамасдан олий таълим тизими асте-секинлик билан ривожланди. Аҳоли сонининг катта суръатлар билан ўсишига номутаносиб равишдаги ривожланиш натижасида олий таълим билан қамров 2016 йилга келиб 8 фоизни ташкил этар эди. Бу эса жамиятнинг катта қисмини ижтимоий ривожланишига тўсқинлик қилди ва бошқа муқобил йўللарни қидиришга мажбур қилишига олиб келди. Бунинг оқибатида эса фуқароларимиз таълим сифати жуда паст бўлган Қирғизистон ва Тожикистон, унча юқори бўлмаган Қозоғистон, Россия Федерацияси ва Украина давлатида маълум бир рейтингга эга бўлмаган олий таълим муассасаларига оммавий равишда ўқишга топшира бошлади. Украина давлатида 2014 йилда бошланган ички қарама қаршилик шароитида уруш бўлаётган вилоятларидаги олий таълим муассасаларидан ўзбекистонлик талабаларнинг ўқишини мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига кўчиришга рухсат берилди. Бу кейинчалик акс таъсир ҳосил қилиб яна минглаб абитуриентларнинг ўқишини кейинчалик Ўзбекистонга кўчириб олиш илинжида айнан ўша қайноқ нуқталардаги олий ўқув юртларига бориб хужжат топширишига сабаб бўлди. Пандемияолди чораси сифатида 2020 йилнинг феврал ойида кўшни давлатлардаги фуқароларнинг ўқишини кўчириш

бўйича кўрилган чоралар ҳам шу каби таъсир кўрсатиб яна ўн минглаб фуқароларнинг кўшни давлатлардаги олий ўқув юртларига хужжат топширишига сабаб бўлди. Бу каби ҳолатлар Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сони ошиб, мавжуд қабул квоталари сони кўпайгунга қадар давом этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2021 йил. –Б. 230.
2. <http://info.ziyonet.uz/uzc/post/view/education/highschool>
3. <https://president.uz/uz/lists/view/4743> - Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи
4. Azizbek Egamberdiev. Higher education transformation in Uzbekistan. TJE - Thematic journal of Education. ISSN 2249-9822. Vol-7-Issue Q2- 2022 <http://thematicsjournals.in/index.php/tjed>. DOI <https://doi.org/10.5281/zenodo.6538062> UIF 2020= 7.528, IFS 2020= 7.433, sjifactor 4.549. – P. 94-98.
5. Azizbek Egamberdiev. Higher education in some western research. Thematic journal of Education. Sjifactor 4.549. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6538062> UIF 2020= 7.528, IFS 2020= 7.433, sjifactor 4.549. – P. 102-107.
6. Azizbek Egamberdiev. Approaches to higher education research. Thematic journal of Education. ISSN 2249-9822. Vol-7-Issue Q2- 2022 <http://thematicsjournals.in/index.php/tjed>. DOI <https://doi.org/10.5281/zenodo.6538062> UIF 2020= 7.528, IFS 2020= 7.433, sjifactor 4.549. – P. 102-107.